

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРГАНОВ ОТАБЕК ЭРКИНОВИЧ

**ВОЛЕЙБОЛ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА ПЕДАГОГИК
ОЛИЙГОҲЛАРДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТ
ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АҲТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Худайбергенов Отабек Эркинович

Волейбол воситалари ёрдамида педагогик олийгоҳларда жисмоний маданият факультет талабаларининг касбий кўникмаларини шакллантириш механизми.....3

Худайбергенов Отабек Эркинович

Механизм формирования профессиональных умений у студентов факультетов физической культуры педагогических вузов средствами волейбола.....31

Khudayberganov Otabek Erkinovich

The mechanism of formation of professional skills of students of physical culture faculty in pedagogical universities by means of volleyball.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of ublished works.....63

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРГАНОВ ОТАБЕК ЭРКИНОВИЧ

**ВОЛЕЙБОЛ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА ПЕДАГОГИК
ОЛИЙГОҲЛАРДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТ
ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.4.PhD/Ped 479 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uz-diti.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Матназаров Ўктам Латипович педагогика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Алламуратов Шухратулла Иноятович биология фанлари доктори, доцент Набиев Темур Эрикович педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» декабр соат 18⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «Б» биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (211601 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй). Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2021 йил «12» 17 куни тарқатилган.
(2021 йил «12» 17 даги 43 рақамли реестр баённомаси).



М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамол

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда глобал рақобат шарт-шароитлари барча соҳаларда, шу қатори жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам мутахассислар тайёрлаш жараёнига сифат жиҳатдан тайёрлашни тақазо этмоқда. Дунёнинг турли давлатларида жисмоний тарбия мутахассисларини олий таълим муассасалари тизимида тайёрлаш бўйича таълим жараёнини назарий ва услубий-технологик таъминлаш йўлларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган умумий вазифаларни ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда. Жисмоний тарбия таълим тизимига рақобатбардош кадрларни тайёрлаш бўйича самарали инновацион ўқув дастурлари ва технологияларни яратиш заруратини белгилаб бермоқда.

Жаҳонда касбий-педагогик фаолият сифатини ошириш учун янги самарали таълим моделларини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Волейбол спорт тури ривожланган мамлакатларда мусобақа ва машғулот жараёнида воситаларни табақалаштириш, функционал заҳира имкониятларини бошқаришга қаратилган тикловчи технологиялар ишлаб чиқиш, техник ва тактик имкониятлари ошириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жаҳон мутахассислари тадқиқотларининг кўрсатишича, “Волейбол” фани материални ўқитишга табақалаштирилган ёндашув бўйича педагогик кўникмалар ва шахсий сифатларни шакллантириш учун ушбу спорт тури воситаларидан фойдаланиш истиқболлари етарлича ўрганилмаган. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили бўлажак жисмоний тарбия мутахассис ўқитувчига ўз вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг самарали услубиятини ишлаб чиқишни тақазо этмоқда.

Республикамизда таълим тизими соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда уларнинг асосий касбий фаолияти турлари тизимини янада такомиллаштириш, илмий ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш вазифалари устувор йўналишлар сифатида белгилаб берилган. «Спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркибини, хусусан олий маълумотли ходимлар сонини босқичма-босқич ошириш»¹ долзарб вазифа ҳисобланмоқда. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши педагогика олий таълим муассасаларида касбий тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, бўлажак жисмоний тарбия мутахассисларида спорт ихтисослиги воситалари орқали касбий тайёргарликни самарали шакллантиришнинг илмий асосланган йўлларини излаб топиш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, бўлажак педагоглар ва олий маълумотли жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида касбий билим, кўникма ва малакаларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммолаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги. ПФ – 5924-сон Фармони, 24.01.2020 й. <http://lex.uz>

шакллантиришнинг инновацион шакллари ва услубларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор вазифалар ижросини таъминлаш учун хизмат қилади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 ноябрдаги ПҚ-4877-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори ва олий таълим мутахассисларида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация тадқиқотининг назарий асосини мутахассисларни касбга тайёрлаш муаммоларини ўрганган ватанимиз ҳамда хорижий олимлар шунингдек, бўлажак педагогларда жисмоний тарбия ва спортнинг замонавий талабларидан келиб чиқувчи кўникмалар ҳамда малакаларни шакллантиришнинг инновацион шакллари ва услубларини ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган олимларнинг ишлари ташкил этади. Олий педагогик таълим тизимида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш механизмларини илмий асослаш муаммосига А.Н.Абдиев, С.И.Баландин, А.А.Гладышев, И.М.Залялетдинова, Д.А.Зубков, О.А.Кривко, Е.Ф.Орехов, Т.А.Поливаев, Т.А.Удалова, Н.А.Худайбердиева ва бошқалар ишлар олиб боришган.²

² Абдиев А.Н. Яккакураш спорт турларида ихтисослашувчи талабаларда мураббийнинг касбий кўникмаларини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Автореф.дисс. ... д-ра пед. наук. // Тошкент, 2004 - 56.б; Баландин С. И.. Междисциплинарный подход в подготовке кадров для области физической культуры и спорта : автореф. дисс. ... канд. пед. наук // . СПб., 2012. – 24 с.; Гладышев А.А. Формирование индивидуальной образовательной траектории студентов физкультурно-спортивного профиля на основе компетентностного подхода: автореф.дисс. ... канд. пед.наук // . Нижневартоск, 2015. - 20 с; Залялетдинова И. М. Развитие социально-профессиональной мобильности бакалавра физической культуры. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук // : Ур.гос. ун-т физ. культуры. - Челябинск, 2016. - 23 с.; Зубков, Д. А. Психолого-педагогическое сопровождение профессионального становления будущих специалистов по физической культуре и спорту: дисс ... канд. пед. наук // . СПб, 2012. - 187 с.; Кривко О.А. Формирование профессиональной компетентности педагога-тренера по спорту в процессе обучения в вузе: автореф. дисс. ... канд. пед. наук // Барнаул, 2013. - 21 с.; Орехов Е. Ф. Модернизация высшего профессионального образования в отрасли физической культуры и спорта в современных социокультурных условиях. Автореф.дисс. ... д-ра пед.наук. Калининград, 2012.– С.43; Поливаев, А. Г. Качество подготовки физкультурных кадров для общеобразовательной школы в педагогическом вузе: проблемы и перспективы А. В. Черемисов // Омский научный вестник, 2014. - № 3. - С. 167-170.; Удалова, Т. А. Инновационные способы повышения профессионального мастерства учителей физической культуры: автореф. дисс. ... канд. пед. Наук // Малаховка, 2016. - 24 с.; Худайбердиева Н.А. “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог

Мазкур ишларда жисмоний тарбия ўқитувчиси ва мураббий фаолиятига бўлган касбий тайёргарлик моҳияти ва мазмуни очиб берилган, педагогика олий ўқув юртларида касбий тайёргарлик мазмуни ҳамда жараёни такомиллаштиришга илмий асосланган ёндошувлар таклиф қилинади. Бирок касбий тайёргарликнинг спорт ихтисослиги воситалари ёрдамида шакллантириш масалалари кам татбиқ қилинганлигича қолмоқда. Бўлажак жисмоний тарбия педагогларда ўқитувчига ўз вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган касбий муҳим билим малака ва кўникмаларни шакллантириш муаммоларини ўрганишда К.А.Маринченко, Г.М.Мусакаева, Р.С.Саламов, А.П.Теплоухов, О.И.Туманова, Ф.К.Турдиев, Н.Т.Тухтабаев, Н.А.Шакина, М.Ф.Шарипов, Л.А.Ясюкова ва бошқаларнинг ҳиссаси катта,³А.В.Коковкина, В.С.Макеевой, М.С.Найда, Д.О.Поляков, Д.К.Синицын, Е.П.Якимович.⁴ ишларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислар уларнинг касбий тайёргарлиги жараёнидаги шахсий сифатларни шакллантириш ҳамда спорт ихтисослигининг ривожлантиришига таъсири масалалари ёритилган.

Бирок, фундаментал назарий ва эмпирик тадқиқот базаси мавжудлигига қарамай, жисмоний тарбия-спорт соҳасидаги мутахассисларнинг шахсиятини уларнинг касбий тайёргарлиги жараёнида шакллантиришда қўлланиладиган ўқув-билиш фаолияти услублари ҳамда дидактик вазифалар самарадорлиги

кадрлар тизимини бошқаришда инновацион фаолиятини ривожлантириш механизминини яратиш”. – Т: Илмий техника ахбороти – пресс нашриёти, 2018. – 148 б.

³ Маринченко К.А. Формирование компетентности профессионально - личностного самосовершенствования будущих преподавателей физической культуры в вузе: дисс ... канд. пед. наук // Орел, 2012. - 165 с.; Мусакаева Г.М. Формирование нравственной компетентности будущих педагогов физической культуры в образовательном процессе колледжа: автореф. дисс. ... канд. пед. наук // Челябинск, 2013. - 22 с.; Найда М.С. Формирование практико-ориентированных умений будущего специалиста по физической культуре в системе среднего профессионального образования: автореф. дисс. ... канд. пед. наук // Красноярск, 2014. - 22 с.; Саламов Р.С. Совершенствование образовательного процесса подготовки бакалавров по направлению «Физическая культура и спорт». Автореф.дисс. ... д-ра.п.н. –Ташкент, 2003. – 56 с.; Теплоухов А.П. Формирование конфликтологической компетентности будущих учителей физической культуры: автореф. дисс. ... канд. пед. наук // Шуя, 2012. - 22 с.; Туманова О. И. Формирование конструктивно-двигательной компетентности будущих учителей физической культуры с учетом спортивной специализации: автореф. дисс. ... канд. пед. наук // СПб., 2012. - 22 с.; Турдиев Ф.К.Формирование специальных умений тренера по боксу в индивидуальном роке. Автореф. дисс. ... насосик.уч.ст.канд.пед.наук. –Т., 2002. – 24 с.; Тўхтабаев Н.Т. Жисмоний тарбия мутахассисларининг касбий маҳоратини ривожлантиришга ташкилий-педагогик ёндашув.п.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Т.: 2011. - 24 б.; Шакина Н.А., Формирование у студентов физкультурного вуза компетенций пропаганды физической культуры и спорта среди населения: автореф. дисс. ... канд. пед. наук // Омск, 2017. - 24 с.; Шарипов М. Ф. Развитие готовности бакалавра физической культуры к спортивно-педагогическому менеджменту: дисс. ... канд. пед. наук // Челябинск, 2015. - 173 с.; Ясюкова Л.А Социально-психологическая готовность студентов к профессиональной деятельности // Высшая школа на современном этапе: материалы междунар. науч. - практ. конф.: в 2-х т. - М. Ярославль, 2005. - Т. 1.- С. 53-60.

⁴ Коковкин А. В. Организация учебной деятельности студентов по педагогическому физкультурно-спортивному совершенствованию на факультетах физической культуры. Авторф. ... дисс. канд.пед.наук. - М. 2006. -24с.; Макеева В.С. Профессионально-личностное развитие будущего учителя в процессе физического воспитания: дисс. ... д-ра пед. наук //Орел, 2002. - 395 с.; Поляков, Д. О. Формирование профессионально-значимых личностных качеств бакалавра физической культуры средствами активного туризма: автореф. дисс. ... канд. пед. наук //Орел, 2017. - 23 с.; Синицын Д.К Формирование профессиональных умений будущих специалистов физической культуры в процессе педагогического физкультурно-спортивного совершенствования (на примере бокса): автореф. дисс. ... канд.пед.наук // Д.К Синицын. – Санкт-Петербург, 2013. – 24 с.; Якимович, Е. П. Личностно-профессиональное развитие будущего учителя физической культуры в образовательной среде современного университета: автореф. дисс. ... канд. пед. наук //Петрозаводск, 2012. - 24 с.

масалаларини акс этирувчи ишлар сони етарли эмаслигига эътибор қаратиш лозим. Спорт ихтисослигининг касбий кўникмаларнинг ва шахсий фазилатларнинг ривожланишига таъсир этиш масалалари илмий таҳлиллар учун очик қолмоқда. Демак, касбий-педагогик фаолият сифатини оширишга бўлган объектив мавжуд, талаблар ҳамда бўлажак жисмоний тарбия мутахассисларида уларнинг такомиллашуви жараёнида касбий кўникмаларини самарали шакллантириш, шу мақсадда спорт ўйинлари, жумладан волейболнинг имкониятларидан фойдаланиш муаммосининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги орасида зиддиятлар кузатилмоқда, айнан шу мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари концепцияси ва истиқбол режасининг V.I/15 “Талабаларда ўқитувчи-тренерлик касбини назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш даражасини тадқиқот асосида ўрганиш ҳамда олинган натижалар асосида машғулотлар мазмунига ўзгартиришлар киритиш” мавзулари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим тизимида волейбол воситалари ёрдамида жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касбий кўникмаларини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

волейбол воситалари ёрдамида педагогика фани ва амалиётида муаммонинг ҳолатини таҳлил қилиш асосида экстиримал вазиятларга мослашиш кўникмаларини шакллантириш учун мураккаб реакцияни тарбиялашда тезкорлик моделини ишлаб чиқиш;

волейбол техник усулларига ўхшаш бўлган воситаларни қўллаш ҳисобига ҳаракат сифатларини касбий фаолият учун зарур бўлган кўникма ва малакалари шакллантириш;

волейбол воситалари ва муаммоли ўқитиш услублари асосида “Libero” ўйинчисини тайёрлаш эвазига касбий бошқарувчанлик кўникмаси такомиллаштириш;

бўлажак жисмоний тарбия мутахассисларининг касбий кўникмалари ва шахсий сифатларининг шаклланиш учун волейбол спорт турига хос восита ва усулларнинг ўргатишга қаратилган янги вариатив тизимни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти педагогик олийгоҳлар жисмоний маданият факультети “Спорт маҳоратини ошириш” фани бўйича бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини жисмоний маданият факультети талабаларида касбий кўникмаларни шакллантириш усуллари ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адабиётлар таҳлили, педагог кузатув, жисмоний тайёргарликни педагогик тестлаш, педагогик тажриба, психофизалогик усуллар, хужжатли материаллар таҳлил қилиш, савол-жавоб ва сўровнома, математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жисмоний маданият факультети талабаларининг волейбол машғулотларида ўзгарувчан ҳаракат йўналишларини инобатга олган ҳолда мушакларнинг кучланиши ва унда қисқа муддат ичида механик фаолликни оширишга қаратилган мураккаб реакцияни тарбиялаш учун тезкорлик моделини ишлаб чиқиш ҳисобига экстремал вазиятларга мослашиш кўникмалари такомиллаштирилган;

талабаларнинг куч қобилиятларини ривожлантириш учун дам олиш оралиқларини режалаштиришда организмнинг тўлиқ тикланиш имкониятидан келиб чиқиб динамик ва статик фаолиятда волейбол техник усулларига ўхшаш бўлган воситаларни изотоник ва ён берувчи тартибда (ташқи қаршилиқни чегара даражасигача ошириш) қўллаш ҳисобига ҳаракат сифатларини касбий фаолият учун зарур бўлган кўникма ва малакалари шакллантирилган;

бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг ҳаракат координация қобилиятини ривожлантириш вазифасидан келиб чиқиб максимал тезликда бажариладиган ҳаракатларда сенсор боғланишларни ҳосил қилиш учун мураббийнинг турли сигналлари бўйича зўр бериш ва бўшаштириш ҳаракатларини вазиятларга мослаштириб ишлаб чиқиш ҳисобига ҳимояда мураккаб реакцияни бажарувчи “Libero” ўйинчисини тайёрлаш эвазига касбий бошқарувчанлик кўникмаси такомиллаштирилган;

талабаларда педагогик касбий кўникмалар ва шахсий сифатларни шакллантириш учун ижодий фикрлашни рағбатлантирувчи муаммоли ўқитиш талабларидан келиб чиқиб волейбол спорт турига хос восита ва усулларнинг ўргатишга қаратилган беш босқичли вариатив тизимни ишлаб чиқиш ҳисобига жисмоний тарбия мутахассисларнинг касбий фаолиятини акс эттирувчи мажмуавий сифатларнинг услубий-ташкилий механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

волейболни ўқитишда педагогика олий ўқув юртларининг жисмоний маданият факультетларида касбий педагогик тайёргарликни яхшилашга, касбий кўникмаларни шакллантириш жараёни самарадорлигини оширишга (экстремал вазиятларда ҳаракат қилиш кўникмаси, доимий ўзгарувчан вазиятларда тўғри ечимни излаб топиш; ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва психологик ҳолатини бошқариш кўникмаси) ёрдам берувчи воситалар ва ташкилий-услубий усуллар тизими ишлаб чиқилган;

техник ва ҳаракат тайёргарлиги даражасини оширувчи, шунингдек, талабаларнинг касбий муҳим шахсий (мақсадга интилувчанлик, қатъиятлик ва тиришқоқлик, журъат ва жасорат, чидамлилик ва ўзини назорат қилиш, мустақиллик ва ташаббускорлик) сифатларнинг ривожланишига ижобий таъсир қилувчи “Спорт маҳоратини ошириш” ўқув фанининг оқилона танлаб олинган дастур материали амалиётга жорий этилган;

волейбол воситалари ва муаммоли ўқитиш тамойиллари асосида талабаларнинг касбий кўникмалари ва шахсий сифатларини шакллантириш услубиятининг самарадорлиги педагогик тажрибада асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишнинг мақсад ва вазифаларининг амалий ҳамда илмий асосланганлиги, муаллифнинг дастлабки услубий позицияларининг мантикийлиги, педагогик тадқиқотларнинг турли усуллари ёрдамида олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили, ҳақиқий амалий фаолиятнинг мақсадли таҳлил қилинганлиги, гипотезанинг аниқ назарий ва амалий натижалар билан тасдиқланганлиги, натижаларнинг ишончлилиги эмпирик маълумотларни олишнинг фанда қабул қилинган усулларида, натижаларни қайта ишлашнинг умумэътироф этилган статистик усулларида фойдаланганлик ва танловнинг кенглиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика олий ўқув юртлири жисмоний маданият факультети талабаларига “Спорт маҳоратини ошириш” ўқув фанини ўқитишда диссертация тадқиқотлари доирасида ишлаб чиқилган воситалар ва ташкилий-услубий усуллар тизимидан фойдаланганлик билан аниқланади.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти жисмоний маданият факультетлари талабаларининг таълим жараёнига уларнинг ўқув фаолияти натижадорлигини белгилаб берувчи устувор кўникма ва малакалар, шахсий сифатларини шакллантириш, ҳаракат ва техник тайёргарлиги даражасини ошириш жараёнини амалга оширишга имкон берувчи “Спорт маҳоратини ошириш” ўқув фанининг оқилона танланган дастур материални жорий этиш имконияти билан боғлиқ. Бу талабаларнинг волейбол машғулотларига бўлган мотивациясини кучайтиради. Диссертация иши давомида олинган натижалар универсал хусусиятга эга бўлиб, нафақат жисмоний маданият факультети талабалари, балки бошқа мутахассислик факультет талабаларини ҳам тайёргарлигини ўтказишга имкон беради. Тадқиқот материаллари (иш дастурлари, услубий воситалар, махсус ҳаракат вазифалари ва машқлари, “Спорт маҳоратини ошириш” фани бўйича тест топшириқлари) асосида ишлаб чиқилган дидактик материаллар кўшимча касбий таълим тизимида, малака ошириш курсларида, магистрлар тайёрлашда, масофавий таълим жараёнида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогик олийгоҳларда жисмоний маданият факультет талабаларининг касбий кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тадқиқотлардан олинган натижалар асосида:

жисмоний маданият факультети талабаларининг волейбол машғулотларида мураккаб реакцияни тарбиялаш учун ишлаб чиқилган тезкорлик моделини қўллаш бўйича таклифлар “Спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси” (Волейбол) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йилдаги 110– сонли буйруғи асосида 110-183 рақамли гувоҳномаси). Натижада касбий кўникмаларни шакллантириш даражаси 24 % га, шахсий фазилатларнинг ривожланиш даража кўрсаткичлари 75,4% га ошган;

волейбол техник усулларига ўхшаш бўлган воситаларни изотоник ва ён берувчи тартибда ҳаракат сифатларини касбий фаолият учун зарур бўлган кўникма ва малакалари шакллантириш бўйича таклифлар Урганч давлат университетининг ўқув жараёнига шунингдек, педагогика университетларининг волейбол дарсларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси жимоний тарбия ва спорт вазирлигининг 12 декабрь 2020 йилдаги № 03-07-08-3562 рақамли маълумотномаси). Натижада талабаларнинг куч, чидамлилиқ ва ўзини назорат қилишни мустақил баҳолаш, иродавий сифатларнинг юқори даражада намоён бўлиши 30% га ўсган;

химояда мураккаб реакцияни бажарувчи “Libero” ўйинчисини тайёрлаш бўйича таклиф ва тавсиялар “Спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси” (Волейбол) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йилдаги 110– сонли буйруғи асосида 110-183 рақамли гувоҳномаси). Натижада касбий кўникмалар ва қобилиятлар сифатида ғалабага бўлган ирода (2,81 б.), қатъиятлилиқ (2.76 б.), ўзини назорат қилиш (2,73 б.), стрессларга бардошлилик, чидамлилиқ, журъат, меҳнатсеварлик ва бир зумда кўриш реакцияси 14%га яхшиланган;

талабаларда педагогик касбий кўникмалар ва шахсий сифатларни шакллантириш учун ижодий фикрлашни рағбатлантирувчи муаммоли ўқитиш талабларидан келиб чиқиб волейбол спорт турига хос восита ва усулларнинг ўргатиш тизимини қўллаш бўйича таклифлар асосида “Спорт ва ҳаракатли ўйинларни ўқитиш методикаси” (Волейбол) номли ўқув қўлланма нашр этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йилдаги 110– сонли буйруғи асосида 110-183 рақамли гувоҳномаси). Натижада бўлажак жисмоний тарбия мутахассисларнинг волейбол ва муамммоларни ўрганиш орқали касбий кўникма ва шахсий фазилатларни шакллантириш ва тренировка дастурлари самарадорлигини, тикловчи воситаларининг махсус мажмуаларини, махсус жисмоний сифатларини ривожлантириш бўйича бўлажак жисмоний тарбия мутахассисларнинг ўқув тренировка жараёнини ташкил қилиш имконияти 14-18 % га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий услубий иш, жумладан, 1 та ўқув –услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, (3 та республикада, 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб ва хулосалардан иборат бўлиб, 150 саҳифали матн, 3 та расм 23 та

жадвал, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси кўрсатилган диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги қайд этилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот услублари илмий янгилиги, амалий натижалари илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассисларини тайёрлаш тизимида касбий-педагогик кўникмаларини эгаллаштириш муаммоси”** деб номланган биринчи бобида педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги муаммоларини тизимли таҳлил қилиш натижалари берилган, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда “Спорт маҳоратини ошириш” уларнинг ўрни ва аҳамияти шунингдек, волейболнинг олий таълим муассасаларида ўқув фани, спорт тури ва жисмоний тарбия воситаси сифатида ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, замонавий фанда жисмоний тарбия ва спорт мутахассиси касбий фаолиятининг педагогик ва психологик хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурлар, шунингдек, жисмоний тарбия-спорт мутахассисликлари бўйича талабаларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этишга бўлган услубий ёндашувлар қараб чиқилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бўлажак жисмоний тарбия мутахассисларини тайёрлаш сифатини спорт ихтисослиги воситалари ёрдамида ошириш кам ўрганилган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда: уларнинг ўқув фаолияти натижадорлигини белгилаб берувчи устувор кўникма ва малакаларни, шахсий сифатларини шакллантириш, ҳаракат ва техник тайёргарлик даражасини ошириш масалалари етарлича тўлиқ ёритилмаган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг усуллари ва унинг ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида асосий тадқиқот дастурлари келтирилган, уларнинг мазмуни, қўлланиладиган тадқиқот услублари бази қилинган педагогик тажрибаларни ташкил қилиш муддатлари ва ўтказиш услубиятлари батафсил ёритиб берилган.

Педагогик тажриба уч босқичдан иборат бўлди. Педагогик тажрибанинг биринчи босқичи 2016-2017 йиллар давомида Урганч давлат университетининг жисмоний маданият факультети базасида олиб борилди. Унда жисмоний маданият факультетининг ҳар бири 15 кишидан иборат назорат ва тажриба гуруҳларига бўлинган холда, жами 30 нафар талабалар

иштирок этди. Педагогик тажрибанинг биринчи босқичи бошида ва охирида назорат ва тажриба гуруҳлари иштирокчилари орасида педагогик олий таълим муассасаси талабаларида спортга (волейбол мисолида) бўлган мотив ва кадриятлар, уларнинг ўзгариш хусусиятлари аниқланди.

Ушбу тажрибани ўтказишда иккита вазифа белгиланди:

1) Муаммоли ўқитиш услубларидан фойдаланиб ўтказиладиган машғулотларнинг, талабаларнинг педагогик кўникмаларини шакллантиришга таъсирини аниқлаш;

2) Муаммоли ўқитиш усулларининг танланган спорт турига ва ўқув жараёнига таъсирини аниқлаш.

Тажриба услубияти мураббий - ўқитувчи фаолияти ҳақида назарий маълумотларни билдириш, касбий кўникмаларнинг мазмун ва моҳияти ҳамда уларнинг шаклланиш хусусиятларини очиб беришни ўз ичига олди. Талабаларга доимий равишда муайян кўникмаларни шакллантиришга қаратилган махсус ишлаб чиқилган вазифалар таклиф этилди.

Диссертациянинг **“Педагогика олий ўқув юртларининг жисмоний маданият факультетлари талабаларида волейбол воситалари ёрдамида касбий кўникмалар ва шахсий сифатларини шакллантириш”** деб номланган учинчи бобида педагогика олий ўқув юртлари талабаларида спортга нисбатан мотив ва кадриятлар, уларнинг ўзгариши хусусияти натижалари баён қилинган, олий жисмоний тарбия маълумотиغا эга мутахассисларнинг касбий фаолияти моҳиятини комплекс ҳолда акс эттирувчи энг муҳим сифатларнинг батафсил тавсифи берилган, спорт ихтисослигининг жисмоний тарбия педагогининг касбий кўникмалари шаклланишига таъсир этиш даражаси аниқланган, волейбол воситалари орқали самарали шакллантириладиган шахсий сифатлар ва қобилиятлар рўйхати аниқланган, педагогика олий ўқув юртларининг жисмоний маданият факультет талабаларига **“Спорт маҳоратини ошириш”** ўқув фанини ўқитишда воситалар ҳамда ташкилий-услубий усуллар тизими ишлаб чиқилган ҳамда тақдим этилган.

Волейбол воситалари ёрдамида талабаларнинг жисмоний сифатларини вариатив тизими асосида такомиллаштириш механизми V блокдан иборат. Блокларда талабаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантирувчи машқлар, уларнинг қўлланилиш услубияти, вазифалари, таъсир йўналиши ҳамда номоён бўлиш шакллари ёритиб берилган.

Олий жисмоний тарбия маълумотиغا эга мутахассисларнинг касбий фаолиятини комплекс ҳолда акс эттирувчи энг муҳим сифатлари тўғрисидаги масалани қараб чиқишда эксперт баҳолаш услуги ёрдамида энг кўп балл олган устувор кўникмалар ажратиб олинди. Н.В.Кузьмина томонидан таклиф қилинган таснифга биноан бу кўникмалар касбий - педагогик фаолиятнинг 5 та функционал гуруҳларига ажратилди: коммуникатив, гностик, ҳаракат, конструктив, ташкилотчилик.

1-жадвал

ВОЛЕЙБОЛ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ ВАРИАТИВ ТИЗИМ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИ

МАШҚЛАР	УСЛУБИЯТИ	ВАЗИФАЛАРИ	ТАЪСИР ЙЎНАЛИШИ	НОМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ
I БЛОК. ТЕЗКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ				
<p>1.Кўриш сигналига кўра турли дастлабки ҳолатлардан ҳаракат йўналишларини тез ўзгартириб югиришлар.</p> <p>2.Ёнламача турган ҳолда қисқа масофаларга (5,10,15 метр) тез югуришлар.</p> <p>3. Олдинга ва орқага сигнал бўйича қисқа масофаларга тез югуришлар.</p> <p>4.Тезкорликни талаб этувчи эстафеталар.</p> <p>5.Турли ишора ва вазиятни фахмлаш тезлиги (жамоадош ёки бир неча ҳаракатларнинг ишораси, ўйин вазиятини ўргатиш ва уни баҳолаш. Рақиб ўйинчисининг жойлашиши ва ҳоказо). Ушбу вазиятларга нисбатан тезкор ва мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиш.</p> <p>6. Турли ҳаракатларни кўп марталаб ижро этиш тезлиги.</p>	<p>1.Такрорий машқ усули. Бу усул тезкорлик, куч ва чаққонлик сифатларини ривожлантиришда қўлланилиб, бунда дам олиш ораликлари организмнинг тўлиқ тикланишига имконият яратиши зарур.</p> <p>2. Оралик услуби. Бу усул асосан тезкорлик ва куч чидамкорлигини тарбиялашда қўлланилади. Дам олиш оралиги одатда катта бўлмайди.</p>	<p>1.Оддий ва мураккаб реакцияларни ривожлантириш.</p> <p>2.Тезкор ҳаракатлар шароитида энг кўп куч намоён қилиш қобилиятини (тезкорлик – куч қобилиятларини) тарбиялаш.</p>	<p>1. Ретсепторда қўзғалишнинг пайдо бўлиши.</p> <p>2.Кўғалишни марказий асаб толасига узатиш.</p> <p>3.Кўзғалишни асаб йўллари бўйлаб ўтиб бориши ва эффектор сигнал ҳосил бўлиши.</p> <p>4.Сигналнинг марказий асаб толасидан мушакка ўтказилиши.</p> <p>5.Мушакнинг қўзғалиши ва унда механик фаолликнинг пайдо бўлиши.</p>	<p>1.Тўпни кўриш.</p> <p>2.Тўпнинг йўналишини ва унинг учуш тезлигини баҳолаш.</p> <p>3.Бажариладиган амал режасини танлаш.</p> <p>4.Бу режани рўёбга чиқара бошлаш.</p>
II БЛОК. КУЧ СИФАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ				
<p>1.Кафт ва панжаларни шерикнинг қаршилигини енгиб (ёки гантеллар билан) букиб ёзиш машқлари</p> <p>2.Турли оғирликдаги тўлдирма тўпларни ирғитишда асосий эътибор қўл ҳаракатларига қаратилади.</p> <p>3.Қўлларга таяниб ётган ҳолда уларни букуб – ёзиш, ердан узиб чапак чалиш машқлари.</p> <p>4.Амортизаторли жиҳозларни чўзиш билан борадиган, тузилиши бўйича техник усулларга ўхшаш машқларни бажариш.</p> <p>5.Оғирликлар (штанга лаппаги, гантеллар, қум тўлдирилган қопчалар) билан гавданинг айланма ҳаракатли машқлари.</p> <p>6.Штангани кўкракка кўтариб ўтириб - туриш машқлари.</p> <p>7.Штангани елкага олиб сакрашлар. Оғирлик</p>	<p>1.Такрорий машқ усули. Бу усул тезкорлик, куч ва чаққонлик сифатларини ривожлантиришда қўлланилиб, бунда дам олиш ораликлари организмнинг тўлиқ тикланишига имконият яратиши зарур.</p> <p>2. Оралик услуби. Бу усул асосан тезкорлик ва куч чидамкорлигини тарбиялашда қўлланилади. Дам олиш оралиги одатда катта бўлмайди.</p>	<p>1.Чегарага яқин бўлмаган оғирликларни (қаршиликларни) енгишни чегара даражасида кўп марталаб тақорлаш.</p> <p>2.Ташқи қаршиликни чегара даражагача ошириш (динамик ва статик фаолиятларда).</p> <p>3.Қаршиликларни чегара даражадаги тезлик билан енгиш.</p> <p>4.Максимал мушак кучи даражасини (куч қобилиятларининг ўзини) ошириш</p>	<p>1.Мушаклар ҳажмини маромида ривожлантириш учун.</p> <p>2.Мушаклар ҳажмини кескин кўпайтириш учун.</p>	<p>1.Ўз узунликларини ўзгартирмай (статик, изометрик).</p> <p>2.Ўз узунликларини қискартириб (қаршиликларни енгувчи, миометрик).</p> <p>3.Узайиб (ён берувчи. плиометрик).</p>

<p>максималнинг 50% ҳажмида. 8.Арғамчи билан сакрашлар. 9.Жойдан ва югириб келиб юқорига илиб қўйилган предметга қўл теккизиш ёки олиш. 10.Бир ва икки оёқда узунликка сакрашлар. 11.Тўсиқлар устидан кўп сакрашлар. 12.Чуқурликка сакрашлар.</p>				
III БЛОК. ЧАҚҚОНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ				
<p>1.Бир ва кўп маротаба олдинга ва орқага ўмбалоқ ошишлар. Худди шу машқ айрим техник усулларни бажаргандан сўнг. 2.Турган жойдан ва югириб келиб 180, 200, 380 га бурилиб бир ва кўп маротаба сакрашлар. Бурилишлар билан турли техник ҳаракатларни бажариш. 3.Турли бугимлар орасидан ва устидан ўтиб ҳаракатланишлар. 4.Гимнастика кўприкчасидан депсиниб ҳавода турли ҳаракатларни бажариб сакрашлар. 5.Тўсиқлар оша эстафеталар. 6.Турли сигнал ва таъсирларга белгиланган ҳаракатлар билан жавоб бериш. Сигналлар ва таъсирлар секин – аста кўпайтириб борилади.</p>	<p>1.Шуғулланувчиларнинг ҳаракат тажрибасини ҳаракат координацияси шакллари янги шакллар билан тўлдириб бориш. 2.Одатий ҳаракатларни бажаришда ғайриоддийлик омилларини киритиш. 3.Ҳаракатнинг маълум параметрларига катъий меъёрланган ўзгаришларни киритиш. 4.Ҳаракат амалини бажаришни усулини ўзгартириш. 5.Одатий ҳаракатларни ғайриоддий уйғунликда бажариш йўли билан янги координацион талабларни киритиш. 6.Ҳаракатлар координациянинг одатий шакллари ўзгартиришга мажбурловчи ташқи шароитларнинг ўзгариши. 7.Унимсиз мушак кучланишини енгиб олиш. 8.Белгиланган шароитларда амалларни такрорлаш машқлари.</p>	<p>1.Чаққонликни тарбиялаш координацион жиҳатдан мураккаб ҳаракатларни ўзлаштириб олиш, ҳаракат фаолиятини тўсатдан ўзгарган шароит талабларига мувофиқ равишда қайта қуриш қобилиятини тарбиялашдан иборат. Бунда мувозанат сақлаш, галма – гал зўр бериш ва бўшаштириш ҳаракатларини танлаб такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.</p>	<p>1. Асаб мувофиқчилиги. 2. Мушак мувофиқчилиги. 3.Ҳаракат мувофиқчилиги.</p>	<p>1. Чаққонлик фақат шароитнинг кутилмаган ва оғирлашган вазиятларда, инсонда бундай вазиятларда тез, аниқ ҳаракат кутилаётган, тўсатдан ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолларда намоён бўлади.</p>
IV БЛОК. МАХСУС ЧИДАМҚОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ				
<p>1.15-20 сония давомида сакрашлар. Биринчи уринишда максимал даражада кўп сакраш. Иккинчи уринишда максимал даражада баландроқ сакраш. 4-5-серияларда 1-1,5 дақиқа давомида тўхтовсиз сакраш. Ушбу машқни арғамчилар билан ҳам бажариш мумкин. 2.Пастки туриш ҳолатидан 1-1,5 дақиқа давомида турли йўналишларда ҳаракатланишлар.3-4-серияларда 2-5 кг оғирликлар билан. 3.Хужум зарбаси ва тўсиқни тақлид қилиб, орқа зоналарда дўмбалоқ ошишни навбатлаштириб</p>	<p>1.Базавий чидамликни тарбиялаш учун бир текис узоқ муддатли югириш. 2.Махсус чидамликни тарбиялашда ўзгарувчан характердаги ишларни бажариш.</p>	<p>Анаэроб имкониятларни ошириш услубияти. Анаэроб имкониятларни оширишда икки вазифани ҳал қилиш керак. 1.Фосфокреатин механизмининг функционал имкониятларини ошириш. 2.Гликолитик механизмини такомиллаштириш. Восита сифатида, одатда, тегишли</p>	<p>1.Ишнинг шиддати машқ учун танланган масофанинг узунлиги билан белгиланади. Силжиш тезлиги мазкур масофадаги чегара тезликка яқин (чегара тезликнинг 90-95%) бўлиши керак. 2.Дам олиш ораликлари гликолитик жараёнлар динамикаси билан белгиланади. Дам олиш ораликларини секин–</p>	<p>1.Кислород истеъмол қилишнинг максимал даражасини ошириш. 2.Шу даражани узоқ вақтгача сақлаб туриш қобилиятини ривожлантириш. 3.Нафас олиш жараёнларининг максимал миқдоргача тезроқ етишини</p>

1-жадвал давоми

<p>бажариш. Ҳар бир техник усулни 10 маротабадан бажариш. 4. Турли ҳаракатланишлар билан эстафеталар ўтказиш. 5. Турли йўналиш ва масофаларга “моксисмон югиришлар”. 6. 2x2, 3x3, 4x4 таркибида ўқув ўйинлари.</p>		<p>шиддатли циклик машқлардан фойдаланилади.</p>	<p>аста камайиб борадиган қилиш керак. Масалан, 1 ва 2- такрорлаш оралиғида 5-8 дақиқа, 2 ва 3- сида 3-4 мин, 3 ва 4- сида эса 2-3 мин. 3. Бундай ҳолда дам олиш оралиқларини бошқа иш турлари билан тўлдириш керак эмас. Фақат батамом ҳаракатсиз қолинмаса бас. 4. Дам олиш оралиқлари камайиб борувчи фаолиятда такрорлашлар сони, чарқоқ тез ортиб боргани сабабли, унча кўп бўлмайди (3-4 тадан кўп эмас). Сериялар оралиғидаги дам олиш вақти камида 15-20 дақиқа бўлиши керак.</p>	<p>таъминлаш.</p>
<p>V БЛОК. МАХСУС ЭГИЛУВЧАНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ</p>				
<p>1. Шерикнинг қаршилигини енгиб бажариладиган чўзилиш машқлари. 2. Гимнастика ҳалқаларида тебраниш ва айланма ҳаракатлар. 3. Резинка ва пружинали амортизаторлар қаршилигини енгиб бажариладиган айланма (кўл ва оёқлар учун) ҳаракатлар. 4. Олдинга ва орқага кетма-кет энгашишлар (оғирликлар билан ҳам бажарилади). 5. Предмет устига (гимнастик деворчага) оёқларни юқори кўтариб қўйган ҳолда ушлаб туриш. Оёқларни ҳолати алмаштириб турилади.</p>	<p>1. Эгилувчанликни ривожлантиришнинг асосий усули такрорлаш яъни машқлари бажарилади ва дам олиб, яна бажарилади. Шу ҳолатни маълум оралиқда такрорлаш ишчанлик қобилиятини тиклаш учун хизмат қилади. Бу усулнинг турли вариантлари бор: динамик машқларни такрорлаш усули ва статик машқларни қайтариш усули. 2. Эгилувчанликни ривожлантиришнинг аралаш усули. Улардан бири суст мушак чўзилишининг дастлабки усули бўлиб, фаол статик кучланишни камайтиради (бўшаштириш) ва кейинчалик чўзади.</p>	<p>1. Эгилувчанликни ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун турли ҳаракатларни керакли амплитуда билан таянч-ҳаракат аппарати рухсати орқали ҳамма йўналишларда бажариш. 2. Эгилувчанликнинг ривожланиш даражасини оширишда аниқ фаолиятнинг (қасбга хос, спорт бўйича) талабларига мос келиш. 3. Инсон ёшининг турли босқичларидаги эгилувчанликнинг ушлаб туриш даражаси. 4. Қасаллик, лат ейиш ва бошқа сабабларга кўра йўқотилган эгилувчанликни тиклаш.</p>	<p>1. Динамик. 2. Статик.</p>	<p>1. Эгилувчанликнинг икки тури фарқланади: фаол ва суст эгилувчанлик. Фаол эгилувчанлик кишининг ўз мушаклари куч бериши ҳисобига номоён бўлади. Суст эгилувчанлик гавданинг ҳаракатланаётган қисмига ташқи кучлар – оғирлик кучи, шерикнинг қаршилиги ва шу каби кучлардан фойдаланганда номоён бўлади.</p>

Жисмоний тарбия ўқитувчиси мутахассислиги бўйича ишлайдиган олий жисмоний тарбия маълумотига эга мутахассиснинг фаолияти модели тузиб чиқилди, у учта моделни ўз ичига олади: мутахассис тайёргарлик модели, у педагогик амалиётида ўқиган IV босқич талабаларининг фикр-мулоҳазаларига асосланган; амалдаги модель, у камида 5 йил амалий иш стажига эга бўлган малака ошириш факультети тингловчиларининг фикр-мулоҳазаларига асосланган; мукаммал модель, у педагогика олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия кафедралари профессор-ўқитувчилар таркиби фикр-мулоҳазаларига асосланган.

Ҳар бир тузилган модел мураккаб тузилган ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ишлайдиган мутахассислар касбий фаолияти билимларининг бир-бирига боғлиқ тизими ҳисобланади (1-расмга қаранг).

Корреляция коэффицентининг салбий қийматлари мавжудлиги шундан далолат берадики, ҳар хил фаолият турлари амалда муайян кўникма ва малакаларни талаб қилувчи мутлақо мустақил қарама-қарши амалга ошириш усулларига эга.

Талабалар фикр-мулоҳазаларини (тайёргарлик модели) эталон модель билан таққослай туриб, педагогика олий ўқув юртларида жисмоний маданият факультетлари ўқув жараёнларида қандай камчиликлар борлигини аниқлаш мумкин.

Жисмоний тарбия ўқитувчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиб, бу камчиликларни бартараф этишга имкон берувчи усулларни топиш мумкин.


Спорт ихтисослигининг жисмоний тарбия бўйича ўқитувчининг касбий кўникмаларини шаклланишига таъсир этиш даражаси тўғрисида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислар фикр-мулоҳазалари таҳлили шуни аниқлаб бердики, спорт ўйинларида кўпроқ шаклланадиган касбий-кўникмалар ва қобилиятлар сифатида ғалабага бўлган ирода (2,81 б.), қатъиятлилик (2,76 б.), ўзини назорат қилиш (2,73 б.), фаоллик, стрессларга бардошлилик, чидамлилик, журъат, меҳнатсеварлик ва бир зумда кўриш реакцияси қайд этилган.

Гимнастика спорт турларида 100% респондентлар биринчи ўринга ишга бўлган ижодий ёндашув (3,00 б.) қўйилган, кейин маъсулият (2,93 б.) ва меҳнатсеварлик (2,83 б.) қайд этилган.


Яккакураш ихтисослигига эга респондентлар ғалабага бўлган ирода (2,81 б.), бурч ҳисси, мулоқатчанлик ва фаолликни, тезлик-куч спорт турлари вакилларига эса меҳнатсеварлик (3,00 б.), ғалабага бўлган ирода (2,82 б.) ва бардошлилик (2,78 б.) ажратиб кўрсатилган.

Аниқланишича, бошқа спорт турларига нисбатан (2-жадвалга қаранг). спорт ўйинлари билан шуғулланадиган кўпроқ педагогик кўникмалар (2,65 б.), иродавий (2,81 б.), интеллектуал (2,55 б.) ва психофизиологик кўникмалар (2,83 б.) ривожланар экан.


1) Тайёргарлик модель



2) Амалдаги модель



3) Мукамал модель



1-расм. Жисмоний тарбия ўқитувчисини тайёрлаш модели ичидаги фаолият турларининг ўзаро боғлиқликлари

Спорт ихтисослигининг касбий кўникма ва қобилиятларнинг шаклланишига таъсири даражаси (балл)

№	Касбий кўникма ва қобилиятлар (гуруҳлар)	Спорт ўйинлари		Яккакураш		Тезлик-куч спорт турлари		Гимнастика	
		\bar{X}	ўрин	\bar{X}	ўрин	\bar{X}	ўрин	\bar{X}	ўрин
1.	Иродавийлик	2,81	2	2,84	1	2,66	3	2,32	4
2.	Психофизиологик	2,83	1	2,40	2	2,11	4	2,38	3
3.	Ишга бўлган муносабат	2,68	2	2,55	3	2,31	4	3,00	1
4.	Педагогик	2,65	1	2,14	3	2,13	4	2,51	2
5.	Интеллектуал	2,55	1	2,35	2	2,25	4	2,30	3
6.	Ахлоқий	2,48	2	2,79	1	2,39	4	2,44	3
7.	Жамоада ўзини тутиш	2,42	1	2,32	3	2,24	4	2,36	2
8.	Шахсий	2,22	4	2,32	3	2,42	2	2,65	1

Олинган натижалардан келиб чиқиб, волейбол воситалари ёрдамида касбий кўникмалар ҳамда қобилиятларни ҳосил қилиш ва шакллантириш масалаларини ўрганиш учун қуйидагиларни танлаб олдик: педагогик кўникмалар улар орасида волейболни ўқитиш давомида ўз ривожини тақозо этувчи ва ҳар хил шуғулланувчининг ушбу спорт турида мувоффақиятларга эришиш имкониятига асосланувчи қобилият ҳисобланиши олдиндан кўра билиш ва башоратлаш: интеллектуал сифатлар, бу ерда асосий эътиборни олдиндан кўра билиш ҳамда башоратлаш билан бевосита боғлиқ бўлган интуиция ва тасавурга қаратамиз; иродавий сифатлар, улар орасида ғалабага бўлган ирода, тиришқоқлик, ўзини назорат қилишни ажратамиз, зеро улар кўпроқ балл тўплаган.

Спорт ихтисослигининг педагогик кўникмаларнинг шаклланишига таъсири (балл)

№	Педагогик кўникмалар	Спорт ўйинлари		Яккакураш		Тезлик-куч спорт турлари		Гимнастика	
		\bar{X}	ўрин	\bar{X}	ўрин	\bar{X}	ўрин	\bar{X}	ўрин
1.	Коммуникатив	2,70	1	2,44	3	2,45	2	2,41	4
2.	Гностик	2,58	1	2,17	4	2,30	3	2,31	2
3.	Ҳаракатли	2,82	1	2,55	2	2,25	4	2,45	3
4.	Конструктив	2,71	1	2,40	3	2,35	4	2,41	2
5.	Ташкилий	2,61	1	2,37	2-3	2,14	4	2,37	2-3

Ҳар хил спорт турларининг педагогик кўникмаларининг шаклланишига таъсир эътиш даражасини баҳолаш 3-жадвалда берилган.

Спорт ўйинлари машғулотларининг педагогик кўникмалар шаклланишига таъсир эътиш даражасини баҳолаш шуни кўрсатадики, кўйидаги педагогик кўникмаларни шакллантириш жараёнини тадқиқ қилиш истиқболли кўринади: спортчиларнинг жисмоний юкламаларини бошқариш; спортчиларда мустақил ишлаш малакаларини шакллантириш; шахсий фикрларни танқидий таҳлил қилиш; машқни намоён қилишни тўғри бажариш.

Шундай қилиб, эътироф эътиш жоизки, ҳар хил спорт турлари билан шуғулланишнинг зарур касбий кўникмаларини шакллантириш жараёнига таъсир қилишда фарқ борлиги тўғрисидаги масаланинг ҳаққоний кўйилганлиги кўп сонли мутахассисларда шубҳа туғдиради.

Волейбол машғулотларининг аниқ касбий кўникмаларини ҳосил қилиш имкониятларини текшириш волейболни ўқитишга бўлган янги ёндашувларни қўллаш заруратини белгилаб беради. Ўқитиш шартлари, биринчидан, умуман талабалар спорти хусусиятлари, иккинчидан, талабаларнинг бўлажак касби-педагогиканинг ўзига хос хусусиятлари билан аниқланади.

Талабаларни волейболни бошлашга ўргатиш биз томонимиздан тузиб чиқилган ўқув режаси аслида амалга оширилди. Бунда назорат ва тажриба гуруҳларининг ўқув режалари педагогик тажриба вазифаларига мувофиқ бир-биридан фарқ қилади. Тажриба гуруҳи талабалари учун мўлжалланган ўқув режада олий касбий таълимнинг давлат таълим стандартларида баён қилинган жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича талаблар инобатга олинади.


Назорат гуруҳи талабалари учун мўлжалланган ўқув режаси волейболни бошланғич ўқитишининг анъанавий услубиятларига мувофиқ ишлаб чиқилди, бунда талабалар спортининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзлаштиришлар киритилди. Тажриба гуруҳида машғулотларнинг режалаштирилиши, умуман олганда, назорат гуруҳи талабалари машғулотларининг ўқув режасидан фарқ қилмади, чунки ушбу босқичда иккала гуруҳлар учун асосий вазифа волейболни бошланғич ўқитишдан иборат бўлди.

Машғулотларнинг янги бошлаган кўпчилик шуғулланувчиларда жадвалли тест орқали аниқланган ҳаракат фаолиятига бўлган юқори эҳтиёж волейбол билан шуғулланишни бошлаш мотивларидан бири ҳисобланади.


Бу эҳтиёжнинг биринчи ўқув йили охирида бироз (ҳам назорат, ҳам тажриба гуруҳида бир хилда) пасайиши машғулотлар натижасида унинг қониқтирилганлигидан далолат беради (2-расмга қаранг). Муаммоли ўқитиш фаолликка бўлган эҳтиёжга таъсир кўрсатмади.

Барча спортчиларда Люшер тестидан ўрин олган эҳтиёжлардан қониқмаслик сабабли юзага келадиган зўриқиш камайди. Бу келажакда яхшиликка умид қилишга ва фаол ҳаракат қилишга, муваффақиятларга эришишга бўлган эҳтиёжларда анча сезиларли даражада акс этади.

Тажриба бошида



Тажриба охирида



Эҳтиёжлар даражаси: 1-юқори, 2-ўрта, 3-паст

2-расм. Талабалар ўртасида “фаолликка бўлган эҳтиёжни аниқлаш” тестининг 1-курс охирига қадар натижалари

Жисмоний маданият факультетининг юқори босқичларида биз томонимиздан ўтказилган сўровга мувофиқ касбни ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилишга таъсир кўрсатувчи салбий омилларга жисмоний маданият факультети талабалари қуйидагиларни киритганлар: ўқитувчи касби нуфузининг пастлиги, у, биринчи навбатда иш ҳақи билан аниқланади – сўралганларнинг 33%; педагогик фаолиятга нисбатан қизиқиши йўқлиги 22%; касбий ва ижтимоий мослашиш имкониятларини паст баҳолаш – 20%; кўпчилик мактабларда ўз билим ва кўникмаларни рўйёбга оширишга имкон берувчи моддий базанинг йўқлиги – 15%; касбий қобилиятлар, кўникма ва малакаларнинг етарли эмаслиги – 10%. Олий ўқув юртини битиргач, педагогик фаоллик билан шуғулланмоқчи бўлган талабалар сони- 13 (43%) дан 21 (71%) кишига кўпайди: улар орасида мактабда ишлаш истагини билдирганлар - 5 (17%) дан 11 (27%) кишига ортди. 14 нафар талаба (47%) қобилиятларини намаён қилиб, волейбол соҳасида мураббийлик фаолияти билан шуғулланишни хошлашни билдиришди.

Мувоффақиятсизликлардан қочишга бўлган мотивация пасайди, ўз-ўзини баҳолаш ўсди: Мувоффақиятсизликлардан қочишга бўлган мотивациянинг паст даражаси машғулотлар бошида - 27% да, талабаларда,

ўрта даражаси - 20% да, юқори даражаси - 10% да, жуда юқори даражада - 43% талабаларда аниқланган бўлса, ўрганилаётган давр бошида бу кўрсаткичлар мос равшда 17, 53, 23 ва 7 баллни ташкил этди. Ушбу услубиятда ўртача даража оптимал ҳисобланади, бу кўпчилик шуғулланувчилар эришган натижадир.

Янги ҳиссиётлар ва таассуротларни излаб топишга бўлган эҳтиёж бир меъёрга келди. Ўрта даража ҳиссиётларга бўлган эҳтиёжни назорат қила олиш, яъни тажрибага очиклик ҳамда ҳаётнинг маълум бир паллаларида вазминлик ва мулоҳазаликдан дарак беради. Бу даража анча афзал ҳисобланади ва ўрганилаётган давр ичида 37% дан 50% гача ошди.

